



Ислом Нури

Шуфъа - шафълик луғатда «жуфтлик» маъносидаги «шафъ» сўзидан олингандир, чунки, шафъ шафълиги билан байъ қилинган нарсани ўзининг мулкига қўшиб олади.

Шафълик саҳиҳ суннат билан собит бўлиб, Аллоҳ таоло уни шерикликка тааллуқли бўлган мафсада-ёмонлик олдини олиш учун машруъ қилган.

Имом Ибнул Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Шариатнинг гўзаллиги, адолатпарварлиги ва бандаларнинг манфаатларини рўёбга чиқариб бериши жумласига унинг шафъликни олиб келгани ҳам киради... Зеро, шариат соҳибининг ҳикмати мукаллафлардан имкон қадар зарарни кўтаришни тақозо этади... Шерикчилик кўп ҳолларда зарарнинг ўчоғи бўлганидан, бу зарар баъзан тақсимот йўли билан, баъзан шерикларнинг ўз улушини алоҳида қилиб олиши билан, баъзан шафълик билан кўтарилади... Агар ўзининг улушини сотмоқчи бўлса, шериги унга бошқалардан кўра ҳақлироқ бўлади... Ундан шерикликнинг зарари кетади, сотувчи ҳам зарарланмайди, чунки у тўлов воситасида ўзининг ҳаққига эришган бўлади. Бу энг катта адолат ва ҳукмлар ичида ақлга, фитратга ва бандаларнинг манфаатларига энг мувофиқ келувчи гўзал ҳукмдир» (Иъламул-муваққиъийн: 2/139).

Шундан маълум бўладики, шафъликни соқит қилиш учун ҳийла қилиш шариат соҳиби қасд қилган ушбу маънога зид ва қарама-қаршидир.

Шафълик арабларда жоҳилият даврида ҳам маъруф эди. Бир киши агар ҳовлисини ёки боғини сотмоқчи бўлса, қўшниси ҳамда сотаётган нарсасида унга шерик ва соҳиб бўлган киши келиб, унга шафъ ва



Ислом Нури

унга энг лойиқ киши бўларди. Бу ишни шуфъа деб, уни талаб қилиб келганни эса «шофиъ» деб аталарди.

Фуқаҳолар истилоҳида шуфъа (шафъелик) – шерик ўз шеригининг ҳиссасини молиявий эваз муқобилига унинг қўлига ўтган кишидан қайтариб олишга ҳақли бўлишидир. Шафъеъ сотаётган шеригининг улушини ботинда ақд-битим қарор топган баҳога олади.

Сотиб олувчи шафъеъ бўлинган бўлакни шафъеъга ботинда келишиб олган баҳосига бериши фарз бўлади. Чунки, Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бўлинмаган ҳар бир нарсада шафъеликни ҳукм қилдилар. Агар чегаралар тушган ва йўллар ажралган бўлса, шуфъа йўқдир» (Бухорий (2214), Муслим шу маънода (1608), Аҳмад (3/372, №14999) ривоятлари).

Ушбу ҳадисда шафъеликнинг шерикка собит бўлишига ва шафъелик фақат ер-мулкда бўлишига, ундан бошқа нарсаларда, матолар, ҳайвонлар ва шу кабиларда бўлмаслигига далил бордир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «То шеригига эълон қилмагунича сотиши ҳалол бўлмайди», дедилар (Жобир розияллоҳу анҳунинг Муслим ривоятидаги ҳадиси (1608)). Ушбу ҳадис киши ер-мулкни то шеригига таклиф қилмагунича сотиши мумкин эмаслигига далил бўлади.

Ибнул Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Шариат соҳиби шерикка ўз улушини то шеригига эълон қилмагунича сотишини ҳаром қилди. Агар эълон қилмай сотиб юборса, шериги унга ҳақлироқ бўлади. Агар шериги сотишига изн берса ва: «Менинг олиш мақсадим йўқ», деса, сотилганидан кейин талаб қилишга ҳақли бўлмайди. Бу Расулуллоҳ



Ислom Нури

соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳукмлари тақозосидир, бунга ҳеч қандай муориз (зид) бўлувчи ҳукм йўқдир ва бу қатъан тўғри ҳукмдир» (Иъламул-муваққиҳийн: 2/140).

Ибнул Қаййим айтган бу фикр, яъни, шафеънинг байъдан олдин соқит қилиши билан шафеълк соқит бўлади, деган гап ушбу масаладаги икки сўзнинг биридир. Иккинчи сўз – жумҳурнинг сўзи – шуки, бу билан шафеълик соқит бўлмайди ва сотишга изн беришнинг ўзиёқ уни ботил қилмайди, валлоҳу аълам.

Шафеълик шаръий ҳақ-ҳуқуқдир, уни эҳтиром қилиш вожиб, уни соқит қилиш учун ҳийла қилиш ҳаром. Чунки, шуфъа шерикдан зарарни даф қилиш учун машруъ бўлган. Агар уни соқит қилиш учун ҳийла ишлатилса, унга зарар етади ва унинг шаръий ҳаққига тажовуз қилинган бўлади. Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ айтади: «Уни ботил қилишда ҳеч қандай ҳийла жоиз эмас, мусулмоннинг ҳаққини ботил қилиш мумкин эмас» (Ибн Қудома, Ал-муғний: 7/485). Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Яҳудлар қилган ишни қилиб, озгина ҳийла билан Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларни ҳалол қилиб олманглар» (Ибн Батта «Ибтолул-ҳиял»да (24-б) ривоят қилган, Ибн Касир «Тафсир»да келтириб, иснодини яхши санаган).

Шафеъликни соқит қилиш учун қилинадиган ҳийлалардан бири – ўз улушини бировга ҳадя қилгандек кўрсатиб, аслида уни сотиб юборишдир.

Шафеъликни соқит қилиш учун қилинадиган ҳийлалардан яна бири – шерик тўлашга қодир бўлмаслиги учун зоҳирда баҳони кўтариб қўйишдир.



Ислом Нури

Шайхулислом Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтади: «Шафъеликни соқит қилиш учун қилинадиган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатлар ботилдир» (Мухтасарул-фатавал-мисрия: 362-б).

«Ибора ўзгаргани билан ақдларнинг ҳақиқатлари ўзгармайди» (Иъламул-муваққиъийн: 3/299).

Шафъелик мавзуси – бўлиш иши жорий бўлмаган ердир, ундаги дарахт ва бинолар ҳам унга тобеъ бўлади. Агар ер бўлинган бўлса, лекин қўшнилари ўртасида шериклик йўл, сув (арик) каби нарсалар қолган бўлса, уламолар сўзларининг саҳиҳроғига кўра, шафъелик қолади. Чунки, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар чегаралар тушган ва йўллар ажралган бўлса, шуфъа йўқдир», деганлар (Бухорий (2214), Муслим шу маънода (1608), Аҳмад (3/372, №14999) ривоятлари). Бунинг маъноси шуки, агар чегаралар тушмаган бўлса ва йўллар бўлинмаган бўлса, шафъелик қолаверади.

Ибнул Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Қўшнилари ўртасидаги шафъеликдаги энг тўғри сўз шудир ва бу Басра аҳлнинг сўзидир ва шайхулислом Ибн Таймиянинг ихтиёридир» (Иъламул-муваққиъийн: 2/150).

Шайхулислом Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтади: «Мулкдаги ҳақлардан бир ҳақда, яъни, сувда, йўлда ва шу кабиларда шериклик бўлиши билан қўшничилик шафъелиги собит бўлади, Аҳад бунга насс келтирган» (Ал-фатавал-кубро: 5/422). Ибн Уқайл, Абу Муҳаммад ва бошқалар шу фикрни танлаганлар. Ҳорисий айтади: «Мана шу фикрга қайтиш тайинлидир, унда ҳадислар ўртаси жамланган, яъни, қўшничилик қачонки, йўл ва шу кабиларда шерикли бўлсагина, шафъеликни тақозо қилади, чунки, шафъеликнинг машруъ бўлиши



Ислом Нури

зарарни даф қилиш учун бўлган, зарар эса кўп ҳолларда эга бўлинган мулкда ёки йўл ва шу кабиларда аралашиб кетиш ҳолатларида келиб чиқади».

Шафъелик байъни билган заҳоти талаб қилиш билан собит бўлади. Агар байъни билган вақтида талаб қилмаса, шафъелик соқит бўлади. Агар байъни билмаса, гарчи бир неча йил ўтиб кетса ҳам, унинг шафъелиги сақланиб туради. Ибн Ҳубайра айтади: «Уламолар иттифоқларига кўра, агар шафъё ғойиб бўлса, қайтиб келганидан сўнг шафъелик қилишга ҳақли бўлади» (Ихтилафу аимматил-уламаъ: 2/22).

Шерикларга шафъелик мулклари миқдорига қараб бўлади. Чунки, шафъелик у сабабли мулкка эга бўлинадиган ҳақдир, шу боис шафъелик мулкларнинг миқдорига қараб бўлди. Агар шериклардан биронтаси ундан воз кечса, бошқаси унинг ҳаммасини олиши ёки ҳаммасини тарк қилиши керак. Чунки, бир қисмини олишда харидорга зарар етказиш ҳосил бўлади.